

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧОНОВА ШОИРА БАЗАРБАЕВНА

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Бекчонова Шоира Базарбаевна

Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида
индивидуаллаштириш методикаси..... 3

Бекчонова Шоира Базарбаевна

Методика индивидуализации процессов дистанционного обучения на основе
цифровых технологий21

Bekchonova Shoira Bazarbaevna

Methods of individualization of distance learning processes on the basis of digital
technologies41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧОНОВА ШОИРА БАЗАРБАЕВНА

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1507 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (tdpu_kengash@edu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Дилмурод Нормуродович
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори PhD, доцент

Расмий оппонентлар:

Хақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ўқув жараёни виртуал лойиҳалаш, таълим жараёнига масофавий таълим (d-learning) шакллари, рақамли таълим технологиялари (Moodle, eFront, Chamilo, ILIAS, Open Elms, Sakai, Dokeos ва ҳ.к.) замонавий дастурлаштирилган таълим моделлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, The Open University (Буюк Британия), Princeton University (АҚШ), Cyber University да (Жанубий Корея) таълим сифатини рақамли технологиялар асосида доимий такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида педагог кадрларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, рақамли технологиялар, оптик эффектлар, 3D-таълим заллари, виртуал лабораториялар, мобиль технологиялар асосида масофавий таълимни ривожлантириш, очик таълим ресурслари “blended learning” технологияларини такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таълим олувчининг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда хорижий таълим тажрибалари асосида фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш имконини берадиган таълим платформаларини яратиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning” технологияларини амалиётга кенг жорий этишнинг меъерий асослари яратилди. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим имкониятларини ошириш, меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларига мос, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифа этиб белгиланди.¹ Натижада, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш, халқаро муассасалар билан манфаатли илмий ва таълимий муносабатлар ўрнатишнинг педагогик имкониятлари ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 17 мартдаги ПҚ-4642-сон “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компьютерлар ва рақамли технологиялардан фойдаланишни ташкил этишнинг восита ва усуллари, таълимни ахборотлаштириш, ягона ахборотлар маконини яратиш, ресурс ва гибрид, эксперт ўқитиш тизимлари, масофавий таълимни қўллаш муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқотлар Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Х.Н.Зайниддинов, Р.Ҳ.Жўраев, А.Е.Ибраймов, Р.Г.Исянов, Д.Н.Маматов, Э.М.Мамараджапов, А.Х.Махмудов, С.Қ.Турсунов, Х.Р.Тухтаматов, М.Р.Файзиевалар томонидан олиб борилган.

Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикасининг мазмун-моҳияти, талабаларнинг ижодий тафаккури ва медиакомпетентлигини ривожлантириш, дастурчиларнинг интеллектуал хусусиятларини аниқлаш, электрон ахборот-таълим ресурслари ва дастурий қобикларни яратиш ҳамда қўллаш имкониятлари Ю.Д.Бабаева, М.К.Каминский, В.А.Кан-Калик, Б.И.Крук, А.А.Лебедев, А.Ю.Никифоров, Г.К.Селевко, С.М.Смирнов, Е.С.Полат, Т.М.Третьяк, П.В.Юринларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Масофавий таълимнинг “blended learning” технологиялари, таълим самарадорлигини ошириш учун масофавий таълимда фойдаланиладиган инновацион дастурлар, уларнинг қўлланиши, комплекс мослашув тизимида инновация, таълим тизимини лойиҳалаштириш учун янги асосий профил хусусиятлари, мослашувчан технологиялар таҳлил этилган, уларнинг мазмун-моҳияти ва имкониятлари ёритилган ҳамда очик кодли дастурларда таълим тизимлари (LMS Moodle, PostgreSQL, MySQL ва б.) M.Allen, M.Aberdour, A.Basal, J.Block, M.Grahame, G.Mannel, G.Mason, J.Streyer, W.Raуларнинг тадқиқотларида яратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-134 рақамли “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий, педагогик ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича босқичма-босқич малака ошириш технологияларини ишлаб чиқиш” ҳамда “Касб таълими методикаси фанидан электрон методик мажмуа яратиш” (2015-2016 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

масофавий таълим жараёнларини индивидуаллаштириш технологиясини Web-сервер, рақамли технологиялар, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, мижоз-сервер архитектураси, масофавий таълимнинг “blended learning” технологиясининг “flipped classroom” моделини ривожлантиришга оид хорижий илмий адабиётлар таҳлили ва LMS Moodle дастуридан фойдаланиш асосида такомиллаштириш;

ўқув жараёнида масофавий таълим жараёнларида индивидуаллаштириш технологияларини йўлга қўйишда LMS Moodle дастурини қўллаш жараёни босқичларида талабаларнинг мослашуви, медиатаълимни амалга оширувчи педагогик мослашиш моделини такомиллаштириш;

рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришга асосланган, динамик саҳифалар асосига қурилган, мобилликни таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи web-сайт таркиби ва мазмунини аниқлаштириш;

масофавий таълимни рақамли технологиялар асосида йўлга қўйишда турли даражадаги электрон ахборот-таълим ресурсларини маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти бўйича материаллар, тест саволлари базасини ўқув жараёнига мослашувчи web-сайтга жойлаштириш, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар орқали индивидуаллаштириш методикаси асосларини “blended learning” технологиялари ёрдамида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикасини такомиллаштириш жараёни бўлиб Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтларидан жами 761 нафар талабалар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир педагогик, психологик манбаларни таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, расмий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш, сўровнома, тест, семинар-тренинг, суҳбат, интервью, педагогик тажриба-синов, маълумотларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мижоз-сервер архитектураси, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар воситасида индивидуаллаштириш методикаси “blended learning” асосида таълим оловчилар билан кетма-кет ва ўқув материалларини анъанавий ўқиш параллел равишда масофавий ўқиш жараёнларини интегратив педагогик лойиҳалаштириш асосида ишлаб чиқилган;

таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели таълим тизимини рақамлаштиришга мослаштириш, замонавий ахборот-коммуникатив ва ўқитиш технологияларининг интеграциясини таъминлаш, интерфаол тақдимот тизимларидан фойдаланиш, веб сайтларда фойдаланувчиларнинг аутентификация қилиш фаолиятини хусусийлаштириш жараёнларини рақамли технологиялар воситасида индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

анъанавий ва масофавий таълим интеграцияси, мақсадли педагогик фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш, LMS Moodle дастури бўйича ташхислаш, таълим жараёнларини индивидуаллаштириш, босқичма-босқич ўзлаштириш имкониятларини масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар орқали ишлаш алгоритми билан оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

масофавий таълим муҳитида дарс жараёнларининг интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратиш, рақамли технологияларни индивидуаллаштириш методларини қўллаш имкониятларидан фойдаланиш

имконини берувчи электрон ўқув-методик таъминотини педагоглар ва талабаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи веб тизимни ишлаб чиқиш асосида таъминланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рақамли технологиялар, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, мижоз-сервер архитектураси, индивидуаллаштириш методикаси “blended learning” моделлари асосида таълимни ривожлантиришга оид хорижий илмий адабиётлар таҳлили ва LMS Moodle дастуридан фойдаланиш асосида масофавий таълимни индивидуаллаштириш технологияси такомиллаштирилган;

ўқув жараёнини масофавий таълимни индивидуаллаштириш методлари орқали йўлга қўйишда LMS Moodle дастурини қўллаш жараёни босқичларида талабаларнинг мослашуви, медиатаълимни амалга оширувчи педагогик мослашиш модели такомиллаштирилган;

рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришга асосланган, динамик саҳифалар асосига қурилган, мобилликни таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи web-сайт таркиби ва мазмуни ишлаб чиқилган ҳамда дастурий таъминоти яратилган;

масофавий таълимни рақамли технологиялар асосида йўлга қўйишда турли даражадаги электрон ахборот-таълим ресурсларини (маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти бўйича материаллар, тест саволлари базасини) ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига мослашувчи web-сайтга жойлаштириш, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришнинг методик асослари “blended learning” технологиясининг “flipped classroom” модели ёрдамида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари ёрдамида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар орқали индивидуаллаштириш методикаси асосида ўқитиладиган фанларнинг ўқув ва ишчи дастурларини тайёрлаш, ўқув жараёнида тизимга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник, фойдаланувчи талаблари, web-сайт режа-лойиҳаси таркиби ва яратиш босқичлари, web-сайтнинг педагогик мослашиш моделида рақамли технологияларга асосланган ўқитиш тизимларини яратишда ҳамда мустақил фикрлай оладиган, ўз касбий фаолиятига ижодий ёндашадиган мутахассис кадрлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган ўқув жараёнига мослашувчи LMS Moodle дастури ўрнатилган web сайт-электрон платформасида профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари, амалий машғулоти, лаборатория ишлари, семинар машғулоти, мустақил ўқиш ва тайёрланиш учун топшириқлар, маълумотлар ва адабиётлар таркибининг ўқув жараёнига

татбиқ қилиниши, презентациялар, аудиодарслар, видеодарслар, видеоконференциялардаги илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича фаолиятининг мониторингини олиб бориш ва ҳисоботлар тайёрлаш; фан материаллари ва назорат тестлари базасини яратиш; талабалар билимига мос таълим бериш, талабаларнинг давомати, жорий, оралик ва якуний баҳолаш натижаларининг автоматик тарзда гуруҳ журналларида қайд этилиши, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда тегишли ҳисоботларни тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикаси бўйича илмий тадқиқот натижалари:

мижоз-сервер архитектураси, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар воситасида индивидуаллаштириш методикаси “blended learning” асосида таълим олувчилар билан кетма-кет ва ўқув материалларини анъанавий ўқиш параллел равишда масофавий ўқиш жараёнларини интегратив педагогик лойиҳалаштириш асосида ишлаб чиқилган таклифлар AIF1/4 рақамли “Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2851-сонли маълумотномаси). Натижада, ўқитувчилар учун ўқув жараёнига мослашувчи анъанавий таълим жараёнини ва масофавий таълим шакллари электрон платформага мослаш талаблари шакллантирилди;

таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели таълим тизимини рақамлаштиришга мослаштириш, замонавий ахборот-коммуникатив ва ўқитиш технологияларининг интеграциясини таъминлаш, интерфаол тақдимот тизимларидан фойдаланиш, веб сайтларда фойдаланувчиларнинг аутентификация қилиш фаолиятини хусусийлаштириш жараёнларини рақамли технологиялар воситасида индивидуаллаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар MRB-2019-23 “Замонавий АКТ дан фойдаланган ҳолда кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий таъминоти” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2851-сонли маълумотномаси.). Натижада, LMS дастурлари орасида анъанавий ва масофавий таълимни ўзида бирлаштирган Moodle дастури асосида веб саҳифа яратилган;

анъанавий ва масофавий таълим интеграцияси, мақсадли педагогик фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш, LMS Moodle дастури бўйича ташхислаш, таълим жараёнларини индивидуаллаштириш, босқичма-босқич ўзлаштириш имкониятларини масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар орқали ишлаш алгоритми билан оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар MRB-2019-23 “Замонавий АКТ дан фойдаланган ҳолда кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий таъминоти” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2851-сон маълумотномаси).

Натижада, ўқитувчи талабалар билан индивидуал ёки гуруҳий тарзда машғулотлар олиб бориши, талабаларнинг мустақил ижодий фикрлаши ривожлантирилиб, таълим самарадорлигини оширишга эришилган;

масофавий таълим муҳитида дарс жараёнларининг интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратиш, рақамли технологияларни индивидуаллаштириш методларини қўллаш имкониятларидан фойдаланиш имконини берувчи электрон ўқув-методик таъминотини педагоглар ва талабаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи веб тизимни ишлаб чиқишга оид таклифлар AIF1/4 рақамли “Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 9 апрелдаги 02-40-526-сон маълумотномаси). Натижада, педагоглар томонидан ишчи дастурларга мослаштирилган, “blended learning” технологияси орқали индивидуаллаштириш методикаси асосида дарсларга мўлжалланган маълумотлар базалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда 11 та мақола, шундан 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришда масофавий таълимни ривожлантириш технологиялари ва назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқув жараёнига мослашувчи LMS Moodle дастури орқали web-сайт (электрон платформа) яратиш зарурияти, олий таълим муассасаларида масофавий таълимни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом, “Ўзбекистон Республикаси

олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мазкур муаммонинг хорижда ўрганилганлиги ва мамлакатимизда татбиқ этилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик нуқтаи-назардан таҳлил этилган ҳамда тизимни яратиш методологияси, концепция ўзида тизимли, фаолиятли ва информацион ёндашувлар ғояларига асосланган назарий-методологик ва дастурий-технологик билимлар тизимини намоён этиши асосланган. Масофавий ўқитишда индивидуаллаштириш методикаси, ўқитишга замонавий ёндашувлар, тамойиллар, шакллар, методлар, воситалар таҳлил қилинган, такомиллаштиришга учун дидактик талаблар баён этилган.

Р.Г.Исянов, Д.Н.Маматовлар томонидан таълимни ахборотлаштириш шароитида замонавий касб таълими ўқитувчиси моделини яратиш муаммолари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Диссертацияда олимларимизнинг илмий ишлари асосида “Масофавий таълим муҳитида таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш” модели такомиллаштирилди.

Рус тадқиқотчилари М.К. Каминский, И.З. Юсуповлар олий таълимда масофавий таълим мазмунини шакллантириш учун қуйидаги фикрларни асослаганлар: таълим ғояси - материалларни ўзлаштириш, билим, кўникма ва ҳоказоларни ривожлантириш учун қисқартириш мумкин эмас, шахснинг ижтимоий фаолиятга яхлит интеграциялашуви нуқтаи назаридан таълимни тушунишни талаб қилади; тизим ғояси - узлуксиз ва узвий таълимда ўқув фаолияти билан бир вақтда ишлаб чиқариш фаолияти, талабаларни мустақил таълим олиш билан бирга фанларни ўзлаштира олмасликка эмас, аксинча, шахснинг ҳаёт тизимига интеграциялашишини ҳисобга олади; ахборотнинг барча шакллариининг мавжудлиги - шу асосда шахснинг ижодий шахсини шакллантириш жараёни содир бўладиган материянинг универсал мулки сифатида акс эттириш ғояси.

Масофавий ўқитиш тарихида (Мур ва бошқалар, 1996, Симонсон ва бошқалар, 2000) масофавий ўқитишни анъанавий юзма-юз ўқишга параллел ва тўлдирувчи таълимнинг ўзига хос шакли сифатида белгилади.

“Ўқиш муҳитининг ҳолати ва тузилиши аралаш ва масофавий ўқишни анъанавий юзма-юз режимидан фарқ қиладиган ягона нарса эмас; ушбу ўқув усуллари анъанавий таълим ролини аниқлайди ва ўрганиш учун турли хил имкониятларни тақдим этади” (Smit & Brame).

Масофавий таълимда аралаш таълим методлари ва воситаларни таълимга жорий қилиш самарадорлигини баҳолаш муаммоси R.S. Davies., Н.А. Муслимов., А.Е. Ибраймов., Э.А. Мигранова., Е.С. Полат, М.Е. Сысоевалар илмий тадқиқот ишларида берилган.

Диссертацияда масофадан ўқитишнинг мазмуни рақамли техниканинг имкониятларини чуқур таҳлил қилиш ва ортиқча, кўнгилочар интернет маълумотларини эмас, балки зарурий маълумотлар билан ишлаш, мустақил фикрлаш, ўз устида ишлаш, индивидуаллик, дастурлаш тилларининг имкониятларини тўғри танлай билиш, педагогикадаги замонавий усул, методика ва воситалар, шахсий маълумотлар базасидаги маълумотларни химоялаш усуллари, web-технологиялари ва маълумотлар базасини бошқариш тизимлари интеграциясини билиш имкониятлари аниқланган.

Масофавий ўқитиш жараёнида ўқув материаллари талабаларга электрон маъруза, тақдимот, видеодарс, онлайн ёки оффлайн ўқитиш шаклида тақдим этилган ҳамда материалларини мустақил ўзлаштириш жараёнида уларга методик ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш индивидуал ва гуруҳлараро амалга ошириш ўқув параметрларида белгиланган материалларини ўзлаштиришда ўз-ўзини текшириш, тузатиш, натижаларни бошқалар билан муҳокама қилиш, тажриба алмашиш, талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантириш билан бирга, мустақил ва ижодий фикрлашга ўрганишлари кучаяди. Чунки педагогик жиҳатдан индукция методи асосида масофадан туриб ҳодисаларнинг турли далиллари мазмунини таҳлил қилиб, дедукция методи асосида умумий хулосалар мустақил фикрлаш жараёнлари орқали амалга оширилди.

Ўз-ўзини ривожлантириш, яъни индивидуал таълим методикасининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбия жараёнида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, иродавий, когнитив ва касбий жиҳатдан намуна бўлиши. Талаба позицияси: берилган мустақил мавзулар орасидан мавзунини танлаш эркинлиги, ўзини ўзи белгилаш;

талабаларнинг мустақил ишларида хусусий методларнинг устувор вазифаси бўлган ўзини ўзи ривожлантириш учун доминант (психологик) муносабатни шакллантириш;

“ўқитувчи ва талаба” шахслараро муносабатлар инсонпарварлик билан белгиланади.

Бу назарий, услубий билимлар етакчи роль ўйнайдиган ва амалиётга йўналтирилган таълим, яъни таълимга тизимли-фаолиятли ёндашувни таъминлайди.

Индивидуаллаштириш методикасининг “blended learning” технологияларидан “flipped classroom” модели айнан интернет тезлиги паст бўлган чекка жойдаги талабалар ўқиб билим олишлари учун энг маъқули деб топилди.

Бизнинг вазифамиз янги типдаги шахс, индивидуал равишда билим олиш ва уни ижодий татбиқ этишга қодир инсонни тарбиялашдир. Қобилият ва ақлнинг ривожланиши талабаларнинг мантиқий фикрлаши ривожига боғлиқ. Индивидуаллаштириш методикаси ҳар уч кичик тизим: назария, амалиёт ва методиканинг ишлашини мувофиқлаштириш учун катта аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштиришнинг дастурий таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида масофавий таълимда ўқитилаётган фанларнинг онлайн ва оффлайн олиб борилиши талабаларни мустақил, ижобий ва ижодий, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали мустақил мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида индивидуаллаштириш методикасини босқичма-босқич жорий этиш каби масалалар ёритилган.

Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишга оид вазифаларга асосланган ҳолда диссертацияда тадқиқ қилинган LMS

Moodle дастури орқали ишлаётган web-сайтда қуйидаги тадбирлар кўриб чиқилди: рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг муштақкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, “blended learning” технологиясининг “flipped classroom” моделини амалиётга кенг жорий этиш; таълим жараёнида маъруза ва амалий машғулотлар, талабаларнинг ўқитувчилар томонидан тайёрланган фанга тегишли маълумотлар базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш; таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланадиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш; таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этиш; олий таълим муассасалари педагог ходимлари ва бакалавриятга оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб боровчи электрон база юритилишини йўлга қўйиш асосида унинг миллий тизимини яратиш.

Web-сайтни турли фойдаланувчиларга мослаштириш ва оммалаштириш учун педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник, фойдаланувчи талаблари ҳамда тизим режа-лойиҳаси таркиби, мазкур режа-лойиҳа асосида Web-сайтни яратиш босқичлари ишлаб чиқилди.

Диссертацияда, тадқиқот давомида масофавий ўқитишда қўлланаётган Teachbase, Flora LMS, Ispring, Olat, Opigno, ILIAS, Dokeos, Forma LMS, ATutor, E-Stadi, Moodle дастурларининг хусусиятлари, афзалликлари таҳлил қилингани LMS Moodle мақбул деб топилди, статик эмас, балки динамик тизим яратишнинг афзаллиги ва динамик тизимдаги мижоз-сервер алоқаси ёритилган. Ўқув жараёнида қўлланган LMS Moodle дастури секин ишлайдиган трафикка ҳам мослиги эътиборга олинди. Тадқиқот жараёнида LMS Moodle дастурини синовдан ўтказишда педагог-психолог, Web-дизайнер, Web-саҳифаловчи, Web-дастурчи каби мутахассислар жамоаси иштирок этди ва уларнинг фикрлари асосида web-сайт яратилди.

Ўқитувчи фаолияти ва ахборот-таълим муҳити интеграциясини таъминлайдиган, тизим саҳифаларини ўзаро боғлиқлигини ифодалайдиган, таркибида маъмур (администратор), декан – факультет раҳбарияти, кафедра мудири, профессор-ўқитувчи ва талаба интерфейси функцияларини камраб олган ўқув жараёнига мослашувчи Web-тизимнинг таркиби, мазмуни ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Асосан эътибор қаратилгани ҳар бир маълумотнинг динамик(ўзгарувчан) бўлишидир. Ўқув-материаллари ДТС талаблари асосида жойлансада, доимий равишда янгиланиб боради. Талабанинг ва ўқитувчиларнинг веб-сайтдаги ҳаракатларини динамик равишда ҳар бир

ўзгарган ҳаракатини назорат қилиш, кўриш мумкин. Сайтда ҳаракатлар тўғрисидаги ўзгараётган маълумотлар сақланиб қолади. (1-расм)



1-расм. Рақамли технологиялар асосида масофавий таълимни индивидуал ташкил қилишни ўқув жараёнига мослашувчан технологияси.

Тадқиқот жараёнида таълимни бошқарув LMS Moodle электрон платформаси, мослашувчи тизимлар ва мослашувчи гипермедиа тизимлари устида олиб борилган тадқиқотлар ва мослашиш шакллари таҳлил этилди. Таҳлиллар кўрсатдики, бугунги кунгача яратилган электрон маълумотлар талабаларнинг таълим олиш фаолиятини индивидуаллаштириш ҳамда талаба ва педагогга ўз фаолиятини бошқариш имконини берадиган дастурий тизим асосидаги модулни жорий этишга қаратилган.

Юқоридагилар асосда, “педагоглар ДТС асосида талабаларга мустақил ўқишга берилган мавзулар ва материаллардан келиб чиққан ҳолда, талабанинг

билимига мос мураккабликдаги материални тақдим этади, ўқув жараёнини тезлаштиради ҳамда педагог фаолияти билан ахборот-таълим муҳитининг интеграциясини амалга оширади”, деган тавсифни беришимиз мумкин.

Масофавий таълимни йўлга қўйишда видеоконференция дастурлари зарурдир. Ҳозирги кунда энг оммабоп видеоконференция дастурлари қуйидагилар бўлиб, улардан муассаса имкониятлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мумкин: 1. GoToMeeting. 2. RingCentral Video. 3. Microsoft Teams. 4. Google Meet 5. Zoom Meetings. 6. ClickMeeting 7. U Meeting. 8. Bigbluebutton. 9. Blue jeans Meetings. 10. Lifesize.

Изланишларнинг натижаларига асосланиб, LMS Moodle дастурига асосланган таълим веб-сайти яратилди ва фанларнинг такомиллаштирилган мазмуни ишлаб чиқилди, амалиётга татбиқ этилди. Сайтда BigBlueButton видеоконференция дастури ўрнатилган бўлиб, ўқитувчилар онлайн дарс жараёнларида қўллаши, дастурнинг электрон доскаларини ишлатиши учун жуда қулай. Қулайликларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар); таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши; сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; халқаро интеграциянинг кучайиши.

Масофавий ўқитишнинг афзалликларини инобатга олсак, масофадан ўқитиш комплекси анча қулайликларга эга. Масофавий таълимда санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Масофавий ўқитишда рақамли технологиялар талабаларга топшириқларни бажариш режимида ишлаш таълим олувчиларга ўз-ўзини назорат қилиш, текшириш, танқидий фикрлашга оид топшириқларни муваффақиятли бажариш учун керакли малакаларни ривожлантириб мустақил ва ижодий фикрлай олиш имкониятини беради.

Масофавий таълим муҳитида таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели орқали бунга эришишимиз мумкин. Моделлаштириш – бу илмий тадқиқотнинг назарий усулларида бири, ўз тури бўйича мантиқан соддалаштириш, ўқув материаллари ёки масофавий таълим мазмунини яхлит тизимга келтирилиши кераклиги, таълимда унинг икки жиҳатга эгаллиги: талабалар ўзлаштириши зарур бўлган масофавий таълимда фанларда курслар мазмунини ва таълим воситаларидан иборат масофавий ўқув фаолиятини моделлаштириш тушунчалари маълум. Ўқув жараёнига мослашувчи Web-тизимнинг асосий мақсади – олий таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятига таянган ҳолда таълим сифатини ошириш, талабаларнинг узлуксиз ва узвий таълим олиш имкониятини яратиш, талабаларнинг индивидуал қобилиятидан келиб чиқиб, таълим олишнинг ҳаракат траекториясини аниқлаш ёрдамида ўқитиш, таълимнинг турли шакллариини ўзаро бир-бирига яқинлаштириш, педагог фаолияти билан ахборот-таълим муҳити интеграциясини таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар ёрдамида масофадан ўқитишни индивидуаллаштириш методикаси асосида ташкил этишдан иборат (2-расм).

“Педагогик тажриба мазмуни ва олинган натижалар таҳлили” деб номланган учинчи бобда масофавий таълим кескин ривожланиш муҳитида аралаш таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш таълим самарадорлигини баҳолашда қўлланадиган диагностик мажмуа таҳлил этилган; қўлланган методика ва яратилган педагогик шарт-шароитнинг таълим натижасига таъсирини экспериментал ўрганиш натижалари баён қилинган.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги учта босқичда амалга оширилди:

Ўрганувчи тажриба-синов босқичида (2017-2018 йиллар) педагогик олий таълим муассасаси сиртқи бўлим таълим йўналишларида умумкасбий фанларни ўқитишнинг аҳволи таҳлил қилинди, тадқиқотнинг асосий йўналиши аниқланди, рақамли технологиялар асосида масофавий таълим муҳитида индивидуаллаштириш методикаси асосида ўқитиш ҳолати ўрганилди ва таҳлил этилди, тажриба-синов ишларини ўтказиш учун кўзда тутилган олий таълим муассасаларида моддий-техник, ўқув-услубий асос ва шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов босқичида тажриба-синов ишлари предмети билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ўрганилиб, таҳлил қилинди, олий таълим муассасаларидаги умумтаълим фанлари ўқитувчилари ва талабалар билан сўровлар ўтказиб, натижалари таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи – ижро босқичида махсус ташкил этилган машғулотларда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида рақамли технологияларни қўллаш бўйича ўтказилган сўровлар ва педагогик тадқиқотлар таҳлили асосида умумкасбий фанлар блоки бўйича тайёрланган электрон ўқув-методик мажмуадан ўқитишда фойдаланса бўлади, деган хулоса чиқарилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичида (2018-2019 йиллар) талабаларнинг умумкасбий фанларни ўрганишга оид билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги даражалари аниқланди, тузатишлар давом эттирилди, илмий-услубий хулосалар расмийлаштирилди, ўқитувчиларининг фикрлари эътиборга олинди, барча маълумотлар математик-статистик методларидан фойдаланган ҳолда баҳоланиб, унинг ишончли экани исботланди.

Таъкидловчи тажриба-синов босқичида (2019-2021 йиллар) такомиллаштирилган аралаш таълим технологиялари ва индивидуаллаштириш методикаси олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида синаб кўрилди.

Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йилларда Низомий номидаги ТДПУ (131 нафар), Жиззах ДПИ (374 нафар) ва Қўқон ДПИ (256 нафар) сиртқи бўлими Информатика ўқитиш методикаси, Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, Мактабгача таълим, Математика ва информатика йўналишлари 1- ва 2-босқич талабалари (жами 761 нафар талабалар) иштирокида ўтказилди.

Мазкур тажриба-синов иши иштирокчилари умумкасбий фанларга оид билим, кўникма ва малакалари мавжудлиги ҳамда электрон ўқув материални индивидуал ўзлаштириш даражаси каби кўрсаткичларга асосланиб, саралаб олинди. Улар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Назорат гуруҳида талабалар билан машғулотлар анъанавий усуллар ёрдамида, тажриба-синов гуруҳида тадқиқотчи томонидан таклиф қилинган рақамли технологиялар орқали масофавий таълим воситалари асосида олиб борилди. Дастурий воситаларнинг қўлланиш соҳаси уларнинг психофизиологик ва дидактик хусусиятлари асосланиши ҳамда такомиллаштирилган масофавий таълимда индивидуаллаштириш методикасида аралаш таълим технологиясини қўллаш билан кенгайтириб борилди.

Масофавий таълимда аралаш таълим методлари ва воситаларини таълимга жорий қилиш самарадорлигини баҳолаш муаммоси Н.А.Муслимов, А.Е.Ибраймов, С.Э.Низомхонов, Е.С.Полат, М.Е.Сисоева, R.S.Davies ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган. Илмий-педагогик адабиётлар таҳлили кўрсатдики, бугунги кунда ўқитиш методлари ва воситаларининг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги миқдорий мезонлари кенг тарқалган: ўзлаштириш натижалари бўйича, билимларнинг мустаҳкамлиги бўйича, сарфланадиган ўқув вақти бўйича ва ш.к.

Тажриба ва назорат гуруҳида ўтказилган натижаларни ҳисоблаш қулай бўлиши учун 100 баллик рейтинг тизимидан 5 баллик тизимга ўтказиб оламиз. Талабалар билимини баҳолашда қуйидаги жадвалдаги мезонлар инобатга олинди.


Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари қуйидаги жадвал ва расмда келтирилган (1-жадвал ва 3-расмга қаранг).

1-жадвал

Олий таълим муассасаларида олиб борилган тадқиқотнинг натижалари

Ўқув йиллари	2019-2021	гуруҳлар	ТДПУ	Қўқон ДПИ	Жиззах ДПИ	Жами
Ўртача қиймат		Тажриба гуруҳи	4,07	4,03	3,95	4,00
		Назорат гуруҳи	3,50	3,50	3,43	3,47
Самарадорлик коэффиценти			1,15	1,15	1,15	1,15

Юқоридаги ҳисоблар асосида, масофавий таълимда рақамли технологиялар орқали индивидуаллаштириш методикасини қўллашни аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан, методикадан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширганлигини тажриба-синов натижаларидан яққол кўриниб турибди. Шундай қилиб, статистик таҳлил натижаси янги методика бўйича индивидуал шуғулланиш жараёнида талабалар ўз билимларини назорат қилиш, йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш каби ижобий хислатларни намоиш қилишди. Фаол иштирок этмайдиган талабалар сони камайди, ўзлаштириш сифати яхшиланди ва таълим самарадорлиги ошди. (3-расм)



3-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари.

Илмий–тадқиқотнинг тугалланиш босқичида олинган натижалар умумлаштирилди. Масофавий таълимни рақамли технологиялар бўйича индивидуаллаштириш методикасини қўллаш мумкин бўлган веб-сайтни масофавий таълим жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

1. Амалга оширилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларида талабалар билимини масофавий оширишнинг самарадорлигини таъминлайдиган ўқитиш мазмун, шакл, метод, восита ва технологияларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатди.

2. Талабаларнинг индивидуал тарзда масофавий билимларини ошириш мазмуни ва сифатига қўйилган Давлат талаблари ўқув-методик таъминотни модулли ўқитиш технологияси асосида ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ўқитишга замонавий ёндашувлар ва тамойиллар асосида такомиллаштириш, масофавий таълим сифатини замон талаблари даражасида таъминлаш мумкинлиги илмий-методик жиҳатдан асосланди.

3. Талабаларнинг масофавий таълим олиши учун ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминот ва уларни ўзлаштириш учун турли машқ, топшириқ, назорат ишлари, виртуал методик дастурий воситаларнинг самарадорлиги амалиёт жараёнида янада ошди.

4. Масофавий таълим олишнинг муҳим қисмларидан бири талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш ҳисобланади. Талабаларнинг ўқув материални ўзлаштирганлигини назорат қилиш масофавий таълимда ўзлаштириш даражаси аниқланди.

5. Олий таълим тизимининг мавжуд педагогик функцияларини ўз ичига олган, интеграциялашган ахборот-таълим таъминотини амалга оширишга қаратилган, масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикасига асосланган ўқув жараёнига мослашувчи web-тизим дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Масофавий таълим тизими талабалар учун сифатли ахборот-таълим муҳитини яратиш билан бир қаторда медиатаълим ресурслари очиклигини таъминланди.

6. Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикаси Web-тизимларни яратишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник ва фойдаланувчи талаблари, режа-лойиҳа таркиби, тизимни яратиш босқичлари бугунги кунда долзарб вазифалардан бири – дастурий маҳсулотлар такомиллаштирилди.

7. Масофавий таълим web-сайт таркибида фан материаллари, назорат топшириқлари, талабалар давомати ва электрон журнални шакллантириш учун профессор-ўқитувчи интерфейси ишлаб чиқилди. Талабаларнинг ўқув жараёнини индивидуаллаштирилган ҳолда ўқитувчининг педагогик меҳнат мотивацияси ошиши аниқланди.

8. Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикаларидан бўлган “blended learning” ва “flipped classroom” технологияларига асосланган методика такомиллаштирилди. Айни вақтда фан ўқитувчиси бўлган Web-дастурчи томонидан дарс жараёнидаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда тузилган web-сайт орқали кадрларни тайёрлаш амалиётида талабаларнинг назарий ва амалий машғулотларида электрон ахборот таълими муҳити шароитида ўзлаштириш самарадорлиги 15% га ошганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БЕКЧОНОВА ШОИРА БАЗАРБАЕВНА

**МЕТОДИКА ИНДИВИДУАЛИЗАЦИИ ПРОЦЕССОВ
ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ
ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.PhD/Ped1507.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Маматов Дилмурад Нормуродович
доктор философии по педагогическим наукам,
(PhD) доцент

Официальные оппоненты:

Хакимова Мухаббат Файзиевна,
доктор педагогических наук, профессор

Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна,
доктор педагогических наук, доцент..

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27 дом. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.
(протокол реестра рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года).

Б.С.Абдуллаева
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., проф

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н., доц.

Н.А.Муслимов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В глобальной системе образования широко внедряются виртуальный дизайн учебного процесса, в образовательный процесс – формы дистанционного обучения (d-learning), современные программные образовательные модели организации процесса самостоятельного образования обучаемых на основе цифровых образовательных технологий (Moodle, eFront, Chamilo, ILIAS, Open Elms, Sakai, Dokeos и т.п.). В частности, в The Open University (Великобритания), Princeton University (США), Cyber University (Южная Корея) планомерно работают над реализацией масштабных проектов по постоянному повышению качества образования на основе цифровых технологий.

В мировых образовательных и исследовательских учреждениях проводятся научные исследования в области расширения современных технологических знаний педагогических кадров, формирования и развития дистанционного образования на основе цифровых технологий (оптических эффектов, 3D-образовательных залов, виртуальных лабораторий, мобильных технологий), для совершенствования ресурсов открытого обучения технологий «blended learning». Вместе с тем, особое внимание обращается исследованиям по совершенствованию на основе цифровых технологий процессов дистанционного обучения с целью расширения возможностей самостоятельного получения обучаемым образования.

В нашей республике созданы нормативные основы создания на основе зарубежного образовательного опыта образовательных платформ, позволяющих создать единое информационно-методическое обеспечение учебных дисциплин, индивидуализации образовательных процессов на основе цифровых технологий, развития дистанционных образовательных услуг, широкого внедрения в практику технологий вебинаров, онлайн, «blended learning». «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, расширение возможностей для получения качественного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда» было определено как приоритетное направление.² В результате был развит педагогический потенциал совершенствования процессов дистанционного обучения на основе цифровых технологий, установления взаимовыгодных научных и образовательных отношений с международными организациями.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №ПП-4642 «О мерах по широкому внедрению цифровых

² Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы

технологий в городе Ташкенте» от 17 марта 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I «Пути формирования и реализации инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, посвященные средствам и методам организации использования компьютеров и цифровых технологий, информатизации образования, создания единого информационного пространства, систем ресурсного и гибридного, экспертного обучения, понятий и проблем применения дистанционного образования проводились такими отечественными учеными, как Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Х.Н.Зайниддинов, Р.Х.Жураев, А.Е.Ибраймов, Р.Г.Исянов, Д.Н.Маматов, Э.М.Мамараджапов, А.Х.Махмудов, С.К.Турсунов, Х.Р.Тухтаматов, М.Р.Файзиева.

Сущность метода индивидуализации процессов дистанционного обучения на основе цифровых технологий, развитие творческого мышления и медиакомпетентности студентов, выявление интеллектуальных свойств программистов, создание и применение электронных информационно-образовательных ресурсов и программных оболочек по материалам научных трудов Ю.Д. Бабаева, М.К. Каминский, В.А. Кан-Калик, Б.И. Крук, А.А. Лебедев, А.Ю. Никифоров, Г.К. Селевко, С.М. Смирнов, Е.С. Полат, Т.М. Третьяк, П. В. Юрин.

Смешанные технологии дистанционного обучения, инновационные программы, используемые в дистанционном обучении для повышения эффективности обучения, их применение, инновации в сложной системе адаптации, новые ключевые особенности профиля для проектирования системы образования, гибкие технологии анализируются, их содержание и возможности покрытые и открытые образовательные системы в программах (LMS Moodle, PostgreSQL, MySQL и др.) в исследованиях М.Allen, M.Aberdour, A.Basal, J.Block, M.Grahame, G.Mannel, G.Mason, J.Streyer, W.Ray.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладных проектов «Разработка технологий поэтапного повышения квалификации профессорско-преподавателей в профессиональной, педагогической и духовно-просветительской сферах» и «Создание электронного методического комплекса по дисциплине «Методика профессионального образования» (2015-2016 гг.) ИТД-4-134 плана научно-исследовательской работы Ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования является разработка рекомендаций по совершенствованию методологии индивидуализации процессов дистанционного обучения на основе цифровых технологий.

Задачи исследования:

усовершенствовать на основе анализа зарубежной научной литературы в области развития Web-сервер, цифровых технологий, систем управления базами данных, архитектуры клиент-сервер, образовательных технологий дистанционного обучения по разработке модели смешанного обучения «flipped classroom», а также применения программы LMS Moodle технологию индивидуализации процессов дистанционного обучения;

усовершенствовать модель педагогической адаптации реализации адаптации студентов на этапах процесса применения программы LMS Moodle при налаживании технологий индивидуализации процессов дистанционного обучения в учебном процессе, педагогической адаптации, реализующей медиаобразование;

